

БОЛА ПСИХИК РИВОЖЛАНИШИДА ОТА-ОНА ТАЪСИРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**ЎзМУ психология
фанлари номзоди
Ў.Б.Шамсиев**

Боланинг психик ривожланиши унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларга, хусусан, ундаги ўзликни англаш, ўзига-ўзи берадиган баҳолар ҳамда муносабатларнинг характерида боғлиқдир. Бу, аввало, инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал, интеллектуал ва ижтимоий ривожланишига замин яратувчи онтогенезнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. Бунда оиладаги муносабатлар, хусусан, ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, ота-она ва фарзандлар ўртасида ўрнатиладиган муносабатларнинг табиати катта роль ўйнайди. Оила ижтимоий гуруҳларнинг энг кичиги бўлиб, болада ўзи ва ўзгалар тўғрисида шаклланадиган ижтимоий тасаввурларининг дастлабки муҳити сифатида катта ижтимоий аҳамиятга молик маскандир. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши белгиладиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.

Шундай экан, болада соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳам, энг аввало, оиланинг, хусусан, ота-онанинг зиммасидаги масаладир. Шу нуқтаи назардан бола шахси шаклланиш жараёнига бир назар ташласак.

Базан болалар мен кўрқаяпман, мен кўрқаман деб шикоят қилади, ёки инжиқлик қилиб, юзларини беркитиб истерикага берилади.

Болалар кўрқуви нима ўзи? Бу болалардаги табиий хархаша, ҳадиксирашнинг активлашишими, ёки психологик паталогиянинг илк кўринишларими? Болалар кўрққанда қандай муносабатда бўлишимиз керак? қандай қилиб уларни бундай ҳолатдан чиқаришимиз мумкин деган кўплаб саволларга дуч келамиз. Бу саволларга умумий тарзда жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Болалар қоронғидан, ёлғиз қолишдан, сувга тушишдан, нотаниш кишилардан ва қоронғи хоналардан кўрқиши мумкин. Бундай ҳолларда бола ўзини ҳар хил тутиши мумкин. Йиғлаши, кўрқувдан қотиб қолиши, бақирishi, ҳатто кўрққанидан нафас олиши қийинлашиши ҳам мумкин. Бола кўрққанда кўпинча бақироқ, отаси ёки онасига ёпишиб оладиган, одамови бўлиши, ёки аксинча, тинмас, тез аччиқланадиган, жанжалкаш, кўп гапирувчан бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолатни кўрқув неврозининг икки кўриниши дейиш мумкин. Бундай ҳолларда психолог ёки болалар психиатри нима қилиш, ёки аксинча, нима қилмасликни маслаҳат бериши мумкин деган мулоҳазаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

– Боланинг шикоятига, кўрқиш ва чўчишига диққат қилинг. Боланинг ҳаракатлари “инжиқлик”ми, ёки “ёлғон”ми деган тушунчалар ҳақида ўйламанг. Албатта, кўпинча кўрқув болани сизга қулай бўлмаган пайтда, масалан, кечаси ухлатаётганингизда қуршаб олади. Бу ҳолатда у ҳақиқатдан кўрқяптими ёки инжиқлик қияптими, бунга ишониш қийин, шунинг учун ўзимизнинг ишимиз шошилишча бўлганлиги боис уни инжиқликда айблашга шошмаслигимиз лозим.

Бу пайтда биз – катта бўла туриб ёлғиз қолишга кўрқасанми, ўғил бола бўла туриб чақалоқдай йиғлайсанми, катта бўлсанг ҳам сувдан кўрқасанми каби сўзлар билан ўйламасдан танбеҳ беришимиз ноўрин.

Бола кўрққанда у билан эҳтиёт бўлиб муносабатга киришиш керак. Масалан, боланинг кўрқишига сабаб бўладиган нарсалар қоронғи хонада ёки кроват тагида йўқлигига ишонтириш учун у ерга биргаликда қарашимиз лозим.

Кўрқув – бу ақл билан бошқариб бўлмайдиган ҳис-туйғу. Бола кўрқувига сабаб бўладиган ташқи таъсирлар бўлмаса ҳам унинг кўрқуви босилмайди, чунки унинг тасаввурида кўрқувни юзага келтирувчи омиллар шаклланиб қолган. Бу ҳолатда уни чалғитиш учун қизиқарли эртак айтиш, ўйинчоқ бериш ёки шунчаки гаплашиб ўтириш лозим. Боладаги кўрқувни йўқотиш учун уни мажбуран машқ қилдириш умуман мумкин эмас. М: болани қоронғига ўргатиш учун қоронғида қолдириш ундаги кўрқув янада кучайиб неврознинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда кўрқув – бу бизнинг бепарволигимиз ва билимсизлигимиз натижасида юзага келадиган невроздор. Бу жараёнда кимга қийин, болагами ёки ота-онагами?

Характери жуда оғир, камгап болаларни тарбиялаш жуда қийин. Ёмон характер, қулоқсизлик, дангасалик ва палапартишлик ота-оналарда тарбия борасидаги муаммоларни келтириб чиқаради: биз бу муаммоларни яқинларимиз билан таҳлил қиламиз, танишларимизга айтамиз, бошқалар билан маслаҳатлашамиз, тажриба алмашамиз. Биз боланинг характери нега бунақа эканлигини ўйламасдан уни ўзгартиришга ҳаракат қиламиз. Ваҳоланки, ҳамма болаларнинг ўзига яраша индивидуал хусусиятлари, темперамент ва психологик жараёнлари энди шаклланиш босқичида бўлади. Бу ҳолатда педагогик ва тарбиявий муаммолар юзага келиши мумкин. Ахир бизга энг асосийси боланинг ҳам психологик, ҳам физиологик соғлиги муҳим эмасми. Ҳаттоки узок вақт бемор бўлиб ётган кишиларда ҳам индивидуал психологик жараёнлари ва характерида ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Бу борада ҳали психологик ва характер хусусиятлар умуман муқим бўлмаган, характери эндигина шаклланаётган бола ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. Оғир характер борасида психиатрга жуда кам ва кечикиб мурожаат этишади.

Баъзида ота-оналар “болам ҳеч нарсга гапирмайди, найранг қилади, саволларга жавоб бермасдан қутулади” деб шикоят қилишади. Нима учун бола ёлғон гапириб қутулади, нима учун биз боланинг ёлғон гапиришидан кўрқамиз. Бола ёлғон гапираётганини, аввало, бизнинг гапларимизга бўйсунмаганидан, тартиб-интизомни буза бошлаганидан сезишимиз мумкин.

Чунки биз белгилаб берган конун-қоидалар улар учун оғирлик қилади ва болалар ҳар сафар найранг ишлатишларига тўғри келади. Бошқача айтганда, бола танбеҳ ва жазодан қутулиш учун ёлғон гапиради, сирларини ошкор қилмайди ва жавоб бермасдан қутулади.

Бола билан бирон бир муаммо бўлганида катталар ўзларини сўзсиз тўғри деб ҳисоблашади. Биз кўпинча улардан бўйсунитишни, тартиб-қоидаларга риоя қилишни талаб қиламиз, унинг фикрларини кўпинча у кичкина бўлгани учун эътиборга олмаймиз ва фикрларига қизиқмаймиз.

Мактабда болага нисбатан қилинган ҳар қандай танбеҳларни қабул қиламиз. “Ўқитувчи ҳамма вақт ҳақ” деб бошқача ўйлаб кўришдан қочамиз ва мактабнинг “майда-чуйда” можароларига аралашитишни хоҳламаймиз.

Болага ниманидир таъқиқлаш орқали биз унинг хавфсизлигини таъминлаётимиз деб ўзимизни тинчлантираемиз. Аслида эса тақиқ ва чегаралар ўзимизнинг шахсий тинчлигимизни сақлаш учун ёрдам беради.

Боланинг ножўя хатти-ҳаракатидан асабийлашиб, унда кўрқувнинг юзага келишига сабабчи бўламиз. У бақириш, кўполлик, жазолаш кабиларнинг юз беришидан чўчиб, табиий бундан қочишни истайди, бунинг учун эса биргина йўл алдашдир. Бир сўз билан айтганда, агар вазиятни атрофлича ўйлаб кўрадиган бўлсак, бола найранг орқали индамай туриши ёки алдаш орқали бизнинг асабийлашишимиз ва кўполлигимиздан қутулиб қолиши мумкин.

Бизнинг бундай реакциямиз боланинг ёлғон гапиришини ва икки тарафлама тушунмовчиликларни юзага келтиради. Шунинг учун агар сиз болангизнинг ёлғон гапираётганини аниқ билиб турсангиз ҳам уни (айниқса, кўпчилик олдида) жазолашга шошилманг. Ўйлаб кўринг, нима учун бола ҳимояланишга муҳтож, тушунишга ҳаракат қилиб кўринг, қачондан бери сиз унинг ишончини йўқотдингиз, нима учун у сиз билан очиқ гаплашишга кўрқади. Унутмангки, сиз болангиз учун идеалсиз, у ўзи хоҳламаса ҳам сиз ўргатган конун-қоидалар асосида яшаши ҳақида ўйлаб кўринг.

Болалар фақатгина одамлардан эмас, балки воқеа-ҳодисалардан ҳам ўзини асраши учун ёлғон ишлатиши мумкин.

Алдаш сўзининг луғавий маъносига келадиган бўлсак, нафақат ёлғон гапириш, балки ҳийла, фантазия қилиш кабилар ҳам ҳисобланади.

Барча болалар ўз фантазияларида хафагарчиликлардан йироқ бўлган ажойиб дунёни орзу қилади. Агар бола ҳаёлида яратган дунё ҳақиқатга мос равишда ривожланса, фантазия ижодкорлиқнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш учун ёрдам бериш лозим. Унинг фантазиялари расмларда, ҳикоя ва ўйинларда ўз аксини топишига имкон яратиш керак. Бола агар шеър ёки ҳикоя ёзса, мусиқа басталаса, чизса, кундалик тутса яхши – бунга жиддий ва ҳурмат билан ижодий ёндашиш керак.

Бироқ шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, бола фақат ўз фантазиялари куршовида қолиб кетади ва фақат ўша дунёда яшашни истайди. Бу ҳолат боланинг ёлғизланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса бола ўзини-ўзи баҳолашининг пасайишига, воқеа-ҳодисаларни адекват англай ола

билмаслигига олиб келади.

Бизнинг ота-оналик малакамиз болаларимизнинг ёши билан ўлчанади, биз уларни ўстирамыз ва улар билан биргаликда хатоларга йўл қўямиз. Биз гўёки улар билан саёҳатга йўл оламыз ва бунда турли саргузашт ҳамда хавф-хатарларга тайёр бўлишимиз лозим. Афсуски, бунда бизга барча тўсиқлардан айланиб ўтишни кўрсатадиган аниқ харита бўлмайди. Лекин бошқаларнинг бу йўлдаги “йўл белгилари” билан солиштириб кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, болаларнинг соғлом турмуш тарзида вояга етишларида оиланинг, айниқса, унда ота-онанинг билим савияси, дунёқараш даражаси энг асосий ролни бажаришини таъкидлашимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳамма вақт болалар бахтли бўлиши учун нималар қилиш кераклиги ҳақида гапириш қийин. Бирок тадқиқотлар, изланишлар ва илмий назарияларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, болаларга бўлган муносабатда нималар қилмаслик кераклиги ҳақида қуйидаги тавсияларни беришимиз мумкин.

1. Болаларни кўрқитманг ва уларга дўқ қилманг – бундай усул билан боланинг ўзига ва сизга бўлган муҳаббатини сўндирасиз;
2. Болаларни мажбурламанг;
3. Болаларни айблаб ўзингизга бўйсундирманг – чунки бунда бола бошқаларни ҳам шундай қилиш мумкинлигини ўрганади;
4. Болаларни бошқаларга таққослаб баҳоламанг – уларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилинг.